

## КЕТМОННИНГ КУЧИ – ЭГАСИНИНГ БИЛАГИДА



Таниқли тадбиркор, “ОРИАТ” компаниялар гуруҳи бошқаруви раиси  
Шухрат Юлдашевдан 25 йиллик сарҳисоб

**Бизнес қиламан деган одам, аввало, дангалчи бўлиши керак.** Таваккал – ҳар қандай бизнеснинг ажралмас бўлаги. Албатта, бунинг учун одамга отнинг калласидек юрак керак. Юраксиз одам минг бир шубҳа-гумон ичида иккиланиб ўтираверади. Ўйчи ўйини ўйлагунча, таваккалчи ишини битирибди, дейдилар-ку. Бир неча йил аввал чет элдалигимда, катта йўл ёқалаб кетаётиб, ажойиб конструкцияга кўзим тушди. Дарров машинани йўлимдаги биринчи АЁҚШга бурдим. Заправкадаги дўконга кириб рулетка олдим, ортга қайтдим. Ҳалиги жойга бориб, конструкциядан ўлчов олдим, ҳар тарафдан расмга

туширдиму, яна йўлимда давом этдим. Орадан ярим йилча вақт ўтди. Ўша конструкцияни Ўзбекистонда қурмоқчи бўлдим. Лойиҳа керак эмасми, ўша чет элдаги ишлаб чиқарувчилар билан боғландим. Нархи осмонда экан, савдолашсам, таклифимга кўнадиганга ўхшамайди. Ўлиб турган жойим йўқ, ўзимдаям бор, деб, тайёр чизмамни кўрсатдим. Анқайиб қолишди. Ярим йил аввал объектни суратга олган сизмидингиз, дейишди. Қаранг, шундан ҳам хабардор экан улар... Уямас-буямас, иш битди. Ваҳоланки, йўлдаги конструкцияни кўриб, эътибор бермай кетаверганимда, кейин афсусланишим, лойиҳа учун ортиқча вақт ва пул сарфлашим ҳам мумкин эди. Демоқчиманки, бизнесмен учун муҳими шунақа кутилмаган пайтлардан тез ва соз фойдалана билишдир.

**Тартиб-интизомда гап кўп.** Отам раҳматли жуда тартибли одам эди. Фарзандларини ҳам шунга ўргатган. Оила қургунларича онам билан бирга ўқишган. Отам мени койиса ё мен сабаб онамга танбеҳ берса, боламан-да, алам қилиб онамга: “Бир курс кишилардан нега отамнитанлагансиз, жуда қаттиққўл, ўлгудек талабчанлар-ку, билмаганмисиз?!” дердим. “Отанг шу жиҳатлари билан ҳам эътиборимни тортган. Бошқалар дастрўмолини ғижимлаб чўнтагига тиқса, бу кишим тахини бузмай соларди. Дазмолсиз кийим киймасди, юриш-туришига ҳамма ҳавас қиларди. Шунинг ўзиёқ одамнинг ҳаётда қандайлигини

кўрсатади, болам”, дерди онам. Сал улғайгач, отамнинг кимлиги, эл-юрт ўртасидаги обрў-эътибори замирида нима ётганини тушуниб етдим. Қайси бир даврага кирмай, кимнинг фарзанди эканимни билиб қолишса, “Э-э, Юсуф аканинг ўғлимисиз?” деб дарров алоҳида иззат кўрсатишарди. Қаддим кўтариларди. Отанинг кўча-кўйдаги ҳурмати ўғилга қандай таъсир кўрсатишини ўшанда тушунганман.

**Отам онамга совчи қўйган пайт иккалови Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтининг учинчи курсида ўқишган.** Шунда бувим раҳматли совчиларга: “Аввал қўш дипломни столга қўйиб қўйинглар-да, кейин қизимни сўранглар”, деб чўрт кесган экан. Яъни ёшлар аввал ўқишни битирсин, бирор-бир касб-корнинг эгаси бўлсин, кейин турмуш қурсин деган. Бундан олтмиш йил илгариги гапни айтаяпман, тушунаяпсизми? Ўқиши ўлда-жўлда қолмаслиги учун ҳам шундай қилган. Ҳарна қутулганим яхши, узатсам узатвора қолай, демаган. Бугун ота-оналар ҳам, ёшларнинг ўзлари ҳам ҳовлиққани-ҳовлиққан, гўёки уйланиш ёки қудандали бўлиш бир мансабдек. Қўлингда ҳунаринг бўлмаса, уйингга келадиган қизнинг таъминотини қила олмасанг, нима қиласан уйланиб! Ота-онанг ўзингга қўшиб, хотинингни ҳам боқсинми?!

**Ёш пайтимиз тоғни уриб талқон қилсак, дердик.**

Пахтага чиқардик, мева-сабзавот теримида қатнашардик, метрополитен қурилишида ҳам жонбозлик кўрсатганмиз... Орада бадий ҳаваскорлик ансамллари тузиб, концертлар қўярдик, КВНларни ҳам хўп қизитардик. У вақтларда ҳозиргидек мўлкўлчилик қаерда, техника ҳам тақчил эди. Электрон мусиқий чолғулар, аппаратурага етишиш учун, ишонсангиз, савдо вазири-ю, маданият вазиригача кирганман. Ҳатто республика Госпланига ҳам борибман-а! Министрлар Совети Раиси Нормуҳаммад Жўраевичнинг қабулигача кирибман! Ваҳоланки, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида ўқийдиган оддий талабаман. Шаҳдим баланд эди-да! 1975 йил эди ўшанда, биринчи курсман. Қарасам, мен ўқийдиган экономика факультети КВНда нуқул охириги ўринни оларкан. Ҳали шунақами, шошмай турларинг, деганман. Ансамбль тузганман, чолғуларни ҳам топганман, усилитель йўқ-да. У пайтлар СССРда бунақанги аппаратура ишлаб чиқарилмасди. Болгария, Чехословакия, Югославия, ГДРдан келарди, нархиям одамни чақиб оларди. Мусиқачиларнинг энг катта орзуси Венгрияда ишлаб чиқариладиган “BEAG” эди. Ўзбекистонда фақат “Ялла”да бор эди бунақаси... Қисқаси, эшикдан ҳайдаса, тешикдан кириб, ўша аппаратурани ундирганман. Эсимда, ўқишни битириб кетгунимча, факультетимиз ҳар соҳада олдинги сафга чиқиб олганди... Бугунги ёшлар орасида ҳам ҳаракатчанлари бор, лекин эркалари

кўпроқ. Ўзининг кучи билан нимагадир эришаётган йигит-қизлар бизнинг пайтимиздагидан камроқ. Булар учун ота-онаси ҳал қилади кўп нарсани. Биз ҳаммасига ўзимиз тиришардик. Бирор нимага эришолмасак, аламзада бўлиб, ҳасрат ё ғийбат қилиб ўтирмасдик. Енг шимариб ҳаракат қилверардик. Кундузи ўқирдик, кечқурун ишлардик, ота-онамиздан пул сўрашга ор қилардик. Орият устун эди.

**Мен тадбиркорликка киришган пайтларим Ўзбекистонда янги мулкдорлар синфи шакллана бошлаётган эди.** Ўша вақтларда ҳозиргидек тадбиркорни давлат даражасида қўллаб-қувватлайдиган шароит ва имконият ҳақида гап ҳам йўқ эди. Бугун кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик иқтисодиётнинг реал сектори, ижтимоий-сиёсий барқарорликнинг асоси сифатида тан олинмоқда. Юртимизда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, бу йўлдаги тўсиқларни бартараф этиш борасида қанча ишлар қилинаяпти. Имтиёзлар, преференцияларнинг сон-саноғига етолмайсиз. Қандай замонлар келди-я! Бирайланиб, йигирмаяшар йигитча бўлиб қолсайдим, деб ўйлайман баъзан...

**Кимдир оқим бўйлаб сузади, кимдир оқимга қарши, сен эса ўзинг оқимсан, дейишарди менга.** 1990-йилларнинг ўртаси. Ўзбекистонда ҳали ташқи реклама, билборд деган нарсалар йўқ, шуни биринчилардан бўлиб бошлаганмиз. На мижоз, на буюртма бор, таваккал қилиб хориждан йигирма бешта металл конструкция олиб келганмиз. Евростандартдаги реклама пешлавҳалари эди булар. Пойтахт кўчаларига бирин-сирин ўрнатганмиз. Ўрнатишга ўрнатиб қўйдиг-у, улар бўм-бўш – реклама берувчи йўқ. Ноябрь ҳам кепқолди, пешлавҳа эса ҳалиям эълонсиз. Шунда тунуканинг ўзига “Янги йилингиз билан!” деган чиройли табрикни арча ўйинчоқлари билан ёзиб-чиздик, уч тилда. Ана энди ёпирилиб кетади реклама берувчилар, деб ўйладим. Қаёқда! “Happy New Year!” жонивор Наврўзгача осифлиқ турди. Ўзимиз ҳам содда эканмиз: устини мато билан ёпиб қўйиш хаёлга келмаганини қаранг! Тасвир винилга босиларди, Болтиқбўйи мамлакатларига бориб тайёрлаб келинардди. У маҳаллар бизда бундай техника қани... Олиб қирай десанг, жуда қиммат (станогги 250 минг доллар турарди), конвертация деган гап йўқ...



**Тижорий реклама бўлмагач, ижтимоий рекламага киришдик.** Бу ҳам Ўзбекистон учун янгилик эди. Кези келганда дўстим – дизайнер ва устазода фотограф Максим Пенсоннинг бу борадаги хизматларини эътирофэтибўтишимлозим. Унинг самарали фаолияти Ўзбекистонда реклама тараққиётига алоҳида туртки бўлди. Хуллас, дўстим билан Тошкентдан, Фарғона водийсидан ҳақиқий ўзбекона нуроний чеҳраларни қидирдик. Миллий колоритли қиёфаларни топиб, дизайнер дўстим Макс Пенсон билан “Олтин ўлка неъматлари”, “Ўзбегим ширмойи нонлари”, “Бизни кутар нурли манзиллар” постерларини тайёрладик. Вильнюсга бориб чиқазтирдик, Тошкент кўчаларига илдик. Назаримизда, ҳамма лол қолишини, баракалла, қойил, деб қарсак чалишини кутгандик. Лекин... шунча ҳаракат, шунча харажат, тил учида бўлсаям ҳеч ким раҳмат демаса-я! Аҳволимизни

тасаввур қилаверинг... У пайтлар одамлар бугунгидек янгиликка ўч эмасди, шекилли...



**Ва ниҳоят биринчи харидор!** Ян Интернейшнл! Кетидан бирин-сирин Daewoo Electronics, UzBat, Siemens, Nestle... Минг бир қийинчиликдан кейин ахийри бозоримиз юра бошлади. 1998 йили Nestle бренди рекламаси учун Тошкентда ўрнатган 5x14 м. ҳажмли мега-конструкциямиз Марказий Осиёдаги биринчи катта лойиҳа бўлди. Ишларимиз аста-секин изига тушди. Москвадаги халқаро реклама фестивалида қатнашиб, фахрли ўринни олдик. Шундан сўнг Канн фестивалига йўл очилди. Бордик. Жуда илиқ кутиб олишди, фестиваль президенти биз билан шахсан учрашди, суҳбатлашди. Ўзбекистон деган мамлакатни билмасдик, сизлар ўзбекистонлик биринчи иштирокчи, ўз юртингизни танитдингиз,



баракалла, деди. Фестиваль бюллетенида бирга тушган суратимиз ва махсус мақола ҳам чоп этилди. Энди хурсандлигимизни кўрсангиз! Гўё қанот чиқазгандек, Канндан Парижга учдик. Элчихонамиздан ҳам кимдир пешвоз чиқиб, қувончимизга шерик бўлади, қўлимизни маҳкам сиқиб қўяди, дебмиз-да... Париж-кумайли, Тошкентда ҳам биров парвойига олмади. Ахир, биз туфайли Каннда, шундоқ нуфузли фестивалда Ўзбекистон байроғи ҳилпираб турса-ю... Негадир одамларнинг кўзи фақат артист ёки спортчини кўради, бошқаларни сезмайди ҳам. Фестивалда намойиш этилган “Шлагбаум” видеоролиги “Ўзбекинвест” миллий суғурта компанияси фаолиятига бағишланганди. Ғоя муаллифи ўзим, режиссёр ва оператор – Улуғбек Ҳамроев. У ҳозир Москвада, Тимур Бекмамбетов билан яхши лойиҳалар устида ишляпти. Афсуски, таланти кадрларимизнинг қанчаси ишига яраша кадр топмагач, четга чиқиб кетишга мажбур бўлишди...

**Ҳаётда ҳеч кимга ҳасад қилмаганман, фақат икки ҳолат бундан мустасно:** инглиз тилида равон гаплашадиган ноинглизга ва фортепианода пириллатиб чаладиган номусиқачига. Фалончининг машинаси ундоқ, иморати бундоқ ёки пули фалонча, деган гапларга қизиқмаганман. Лекин астойдил ният қилган нарсамга, албатта, эришаман. Феълим шунақа. Талаба пайтим ота-онамга билдирмай, “Жигули” да кира қилардим, 20, 30 сўм ишлардим.

Харажатларимни қоплагулик пул топсам бўлди эди. Қариялар чиқса, текинга олиб бориб қўярдим. Баҳонада ёши улуғларнинг суҳбатини, дуосини олардим, тажрибасини ўрганардим. Ҳозиргача шундай: гоҳ каттадан, гоҳ кичикдан сабоқ оламан. Устозлардан ҳам пешонам ярқираган. Аввалбоши отам, биринчи ўқитувчим Татьяна Алексеевна Ледуховская, кейин тикув фабрикасидаги устозим Михаил Самойлович Майзлер, Карл Маркс номидаги колхознинг донгдор раиси Рустам Раҳбарович Акбаров, ҳозирда Лян Валерий Алексеевич – ўзи корейс бўлса ҳам “ғирт ўзбек”. Шу даражага етишимда ҳар бирларининг ҳиссаси бор, ҳаммаларидан чексиз миннатдорман.

**Тарбия – нозик масала.** Ўз оиламдан қиёс: кенжа фарзандим туғилди. Узоқ кутилган қизалоқ! Ана бошланди-ю паҳ-паҳлаш! Онаси, бувиси, буваси, холаси... Ҳамма чақалоқнинг атрофида гирдикапалак. “Инг” деса, югуриб боришади, ҳали йиғламасдан қўлига олиб, “оббо”лаб эслари кетади. Хуллас, беланчақда ётган гўдак бирпасда шунча одамнинг бурнидан ип ўтказиб олди. Бола дегани муғомбир бўлади-да, вазиятни жуда яхши ҳис қилади. “Номери ўтадиган” ҳолатлардан жуда зўр фойдаланади. Катта ўғлим чақалоқлигида беланчагининг тепасига атай видеокамера ўрнатиб қўйганман. Аввалига бинойидек ўйнаб ўтиради, зерикса, йиғламоқчи бўлади. Атрофга аланг-жаланг қараб, бир-икки ҳиқиллаб кўради. Ҳеч


кимдан садо келмаса ё бирор-бир шарпа сезилмаса, яна жим бўлади. Кимнидир пайқаб қолса, ўша заҳоти ҳунарини оширади. Қисқаси, катталарни истаганча “ўйнатади” бола дегани. Ўйинга кирдингизми – тамом.

**Менинг устозим Майзлер яҳудий эди.** Эътибор берсангиз, яҳудий болалари жуда уддабурон бўлади. Негаки, ота-оналари уларда, аввало, шахсни шакллантиришга ҳаракат қилишади. Арзир-арзимас “ютуқ”лари учун ҳам рағбатлантиришади. Бола тўрт қатор шеър ёдласа ёки скрипкада кичкинагина куй ижро этса ҳам, бу бутун оламга кўз-кўз қилинади. Уруғ-аймоқ йиғилиб, болани курсининг устига чиқазиб, “ижро”дан сўнг давомли қарсақлару мақтовлар ёғдиришади, ўзига ишончини орттиришади. Шунинг учун ҳам яҳудий болалари эринчоқлик нима эканини билмайди, эрталабдан-кечгача скрипка чалади, инглиз тили, математика ё яна бошқа ҳунар билан банд бўлади, тинмайди. Уқувли, мустақил, омадли одамларни тарбиялаш учун бу халқ мана шундай тарбия тизимини ишлаб чиққан...



**2000-йиллар хусусий радиолар гуриллаган давр бўлди.** Одамлар учун ҳам, соҳа учун ҳам катта янгилик эди FM-форматдаги радиолар. Бирданига жамиятнинг ақлини шошириб қўйди. Ўзим реклама соҳасидаман, мижозларим доираси шаклланиб қолган, энди рекламани жойлаштирадиган янги платформа яратолсам – нур устига нур. Янги форматдаги радио очишни ният қилдим. Лекин атрофда бу ишни тузукроқ тушунадиган мутахассис ҳам, радиоузатиш соҳасини ичидан биладиган ва айти пайтда янги форматда ишлай оладиган одам ҳам йўқ. Қолаверса, бировнинг боғидан олма узиб ейдиганларданмасман. Кўчатни ўзим экиб, етиштириб, кейин мевасини ҳалоллаб есам, дейман. Ишни четга чиқиб хориж тажрибасини ўрганишдан бошладим. Соҳа билимдонлари билан маслаҳатлашдим, бизнес-режа туздим. Келиб, радиомактаб ташкил этдик. Четдан экспертларни

жалб қилиб, йигит-қизларимизни ўқитдик. Имтиҳон қилдик. Радиомактаб қалдирғочларидан аълочиларни танлаб, ижодий команда йиғдик.



**Мен “бошқача” радио хоҳлардим.** Шунинг учун ҳам ўша пайт мавжуд бошқа радиодан бошловчи ё продюсер қидирмадим. Чунки шундай қилганимда, худди ўшандай яна битта радио пайдо бўларди. Мен маънили, саводхон, айна пайтда замонавий миллий

радио қилмоқчи эдим. Бачканалиқдан пул топадиган ё “қизил” эмас, олтин ўрталиқдаги ўзбекона радио. Нимага “Доно” қўйганман, тушунгандирсиз? Роса бошимни қотиришган, нега “ORIAM-Dono”, нега ундай, нега бундай... Бу ўша – 1992 йили ташкил топган “ORIAM” компаниясининг шўъба корхонаси-ку, барака топкур... Қизимнинг исмини ҳам шу радиога қофиялаб қўйганман. Аҳамияти шу даражада эди бу лойиҳанинг. Шукрки, ҳаммаси ўйлаганимдек: ўша давр медиасида чинакам воқеа бўлди “ORIAM-Dono”. Ахир, биринчи бўлиб миллий форматдаги FM-радионинг андазасини бичиб берди-да! Кейин потирлаб бошқа радиолар очилди, лекин нима қилса ҳам биз биринчи эдик. Миллий тафаккур, миллий қадриятларни халқчил қилиб оммага етказган, сон-саноқсиз мухлислар орттирган, профессионал маҳорати билан, меҳнати билан оғизга тушган радио. Танганинг иккинчи тарафи деганларидек, ҳам дўстим, ҳам душманним бўлди бу радио...

**Орада қанча ютуқ ва бой беришлар, топиш ва йўқотишлар ўтди.** Лекин ҳаммаси ўз вақтида сабоқ бўлди. Бировларнинг муваффақияти ё хатосидан хулоса чиқариш мумкиндир, лекин табиб табибмас, бошидан ўтказган табиб дейдилар-ку. Шу ўринда бир гап: катта ишларга бел боғлаган одам атрофдагиларнинг ишончига таянади. Яқинларинг сенга ишонмаса, қўллаб-қувватламаса, қилаётган ишингда маъно бўлмайди. Шукрки, ҳаёт йўлимда

мен ишонган, менга ишонадиган инсонларни учратдим. Яхши кунимда ҳам, ёмон кунимда ҳам туриб берадиган дўсту биродарлар топдим. Пайти келганда, мени ҳимоя қиламан, деб зарбани ўзига олганлар ҳам бор... Ўшаларнинг мардлигини ҳеч қачон унутмайман.

**Бугун ортимга қарасам, компаниям барваста йигит ёшига етибди.** Вақт қандай ўтиб кетганини сезмай ҳам қолибман. Бу даргоҳда нечалаб ёшлар тарбияланмади, нечалаб мухлислар уларга эргашмади. Фурсатдан фойдаланиб шу давр мобайнида менга елкадош бўлган Ирина Полишчук, Алишер Холдоров ва бошқа барча-барча ходимларга ташаккуримни изҳор қиламан. Оилам ҳам улар билан баробар қайғурди – минг раҳмат! Қарангки, бугун “ORIAT”нинг бир неча авлодли катта “хонадони” бор: кечагина отаси ишларди, бугун эса боласи. Бу ерда мактаб кўрган йигит-қизлар ўзбек медиасининг турли соҳасида муваффақият билан иш юритаяпти. Ҳатто хусусий радио, газета-журнал, реклама агентликлари, продюсерлик марказлари очганлари ҳам бор. Қувонганим шуки, ҳамма қалдирғочларимнинг ўз иши, даромади бор, ҳаммаси ўз атрофига ёшларни йиғиб ижод қилаяпти.

**Ўзбекистон суверен рейтинг олишга ҳозирлик кўраяпти.** Бужуда катта гап, ахир! Бугун мамлакатимиз Марказий Осиёда минтақани жипслаштирадиган, иқтисодий тараққий эттирадиган локомотивга айланаяпти. Буни йирик халқаро экспертлар ҳам эътироф этаяпти. Ўзбекистон, аввало ўзининг, қолаверса, бутун Марказий Осиёнинг фаровонлигига замин ҳозирляпти. Айниқса, охириги бир йил давлатимизнинг ҳар соҳадаги ташаббуслари шу даражага етдики, ҳатто БМТ минбаридан туриб жаҳонга эълон қилинди! Чорак аср мобайнида Ўзбекистон ўзи учун бақувват пойдевор қўйди. Мен ҳам шу катта механизмнинг митти мурватчаси сифатида ҳаракатда бўлдим. Пайқашдими-йўқми, билмадим, лекин мен ҳам ўз мамлакатим билан бирга ўсдим, шу 25 йил ичида ўз бизнесимга пойдевор қўйдим. Қарангки, қурилишнинг янги палласига чиқдик – девор кўтариш, дераза ўрнатиш, том ёпиш, томорқа тузатиш... Кетмоннинг кучи эгасининг билагида, дейдилар-ку!.. Шукрки, билаклар бақувват, юракларда ўт ёниб турибди. Демакки, юрт ободлиги йўлида белни маҳкамроқ боғлаб ишлаш керак!

**Латофат Толибжонова** оққа кўчирди.